



XIV аср оёклаган пайтда Бухоро уламолари совук Сибирга йўл олишди. Накшбандий тарикати аъзолари бўлган бухоролик сўфийлар шомонларга топинган Сибир тоторлари, ёкут, олтой, карёк ва нанайлар ўртасида Исломни ёйишди.

Устозлар дуоси билан совук ўлкага келган дарвешлар авлодлари Сибирда ўзларини «бухоролик», «сарт» ёки «ўзбек» деб аташган. Бухорийлар асосан Тюмен, Омск ва Томск вилоятларига ёйилганлар.

Бу худудларда ўз даврининг илгор яшаш тарзини тамсил килган илк Бухорий кишлоклари пайдо бўлган. Бундан ташкари, улар тоторлар яшайдиган овуллар ва Тюмен, Тоболск, Тара, Томск каби маъмурий марказларга якин худудларда ҳам истикомат килишган.

Сибир бухорийлари юз йиллар мобайнида махаллий тоторлар билан якин муносабатга киришиб, киз олиб, киз бериб, куда-анда бўлишган. Антропологларга кўра, айнан бухорийлар замонавий сибир тоторлари зехниятини шакллантирган асосий компонентдир.

Сибир руслар тарафидан ишгол килинишидан олдин Бухоро савдогарлари Сибирда Туркистондан келтирилган моллар билан баракали савдо-сотик билан шугулланганига оид белгилар бор. Айнан бухорийлар Сибирда илк бор терига ишлов бериш, гиламу шолча тўкиш каби хунармандчиликка асос солишган.

Якин тарихда Тюмен, Тоболск ва Тарадаги машхур тери хамда гилам дўконлари бухорийларга оид бўлгани маълум. Пировардида бухорийлар авлодларидан йирик бойлар, тадбиркору савдогарлар етишиб чикди.

Сибирдаги чорвадор, кассоб, извошчи, аравакаш ва олтинга ишлов берувчи усталар асосан бухорий авлодлари бўлгани айтилади. Авлод алмашиш асносида бухорийлар ўзларини тоторлар деб айта бошлаган. Айни пайтда улар ўз аجدодларининг Бухородаги накшбандий пирларига бориб такалишини алохида фахр ва ифтихор билан эшлади.

*(Макола Сибир ўлкашунослик кутубхонаси*

*материаллари асосида ёзилди.)*

**Акмал РИЗАЕВ**